

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
2014 йил яқунлари бўйича таҳлилий
М А Ъ Л У М О Т**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381-сон, 2011 йил 23 февралдаги “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурслари хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1487-сон, 2012 йил 20 мартдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1729-сон, 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730-сон, 2013 йил 17 декабрдаги “Корея Республикасининг иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик Фондининг молиявий кумагида “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини биринчи навбатда амалга ошириш бўйича чоралар тўғрисида”ги ПҚ-2088-сон, 2014 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил Инвестицион дастури тўғрисида”ги ПҚ-2264-сон қарорлари ҳамда Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг 2013 йил 27 декабрдаги 20-сон баёни (06.01.2014 й. 01-08/1-189) топшириқларини ижросини таъминлаш мақсадида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (кейинги матнларда – Миллий кутубхона деб юритилади) томонидан 2014 йилда қуйидаги ишлар амалга оширилди.

1. Миллий кутубхонанинг асосий кўрсаткичлари

Миллий кутубхонанинг умумий фонди – **6 971 191**, шундан босма фонд **38 575** нусхага кўпайди ва умумий сони – **6 632 098** нусхани, электрон кўринишдаги ресурслар – **4 352** нусха олинди, умумий сони **339 093** тага етди.

Миллий кутубхона фойдаланувчилари сони – **96 639** нафарни ташкил этиб, 2014 йилда кутубхонадан **27 719** нафар фойдаланувчи рўйхатдан ўтди. Ўтган давр мобайнида фойдаланувчиларнинг ташрифи – **613 574** маротабани, шундан **74 839** таси кутубхона веб-сайтидан фойдаланганларни ташкил қилди, китоб бериш – **4 815 539** нусхани ташкил қилди ҳамда веб-сайтдаги ички манбаларга **366 635** та мурожаат бўлди.

Автоматлаштириш жараёнларини жорий этиш бўйича электрон ресурсларни яратиш, жумладан электрон каталогни тўлдириш ишлари – **532 501** электрон библиографик ёзувларни ва **339 093** та тўла матнли электрон нашрларни ташкил этди.

Сканерлаш ва нусха кўпайтириш хизмати фойдаланувчилар томонидан кўп сўраладиган ҳамда янги адабиётларни электрон нусхасини яратиш бўйича ишлар олиб борилиб, ҳисобот даврида жами **7 449** та нашрларни тўлиқ электрон нусхаси яратилди. Жумладан: китоблар - **6 460**, қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар - **116**, журналлар – **849** (“Ўзбек тили ва адабиёти журналы”нинг 1958-

2014 йиллардаги, “Ўзбекистон ижтимоий фанлари журнали”нинг 1961-2014 йиллардаги сонлари), газеталар – **24** та йиғма жилдда **2571** нусха (“Халқ сўзи” газетасининг 1991-2001 йиллар оралиғидаги сонлари).

Миллий кутубхона имидж электрон каталогини яратиш мақсадида **516 000** дона анъанавий (босма) каталог карточкаларининг электрон нусхаси яратилди.

Ҳисобот даврида Миллий кутубхонани молиялаштириши учун давлат бюджетидан **3 015 487,0** минг сўм, шу жумладан ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларига – **1 130 798,0** минг сўм, ижтимоий тўловлар учун – **278 866,0** минг сўм ва бошқа ҳаражатларга – **1 605 823,0** минг сўм миқдоридан маблағлар ажратилди. Ўртача ойлик маош **940,0** минг сўмни ташкил этди. Миллий кутубхонанинг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмас. Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида Миллий кутубхона томонидан аҳолига ахборот-кутубхона хизматини айрим турлари (ахборот-кутубхона тармоғи) бўйича тўлов асосида жами **608 322,2** минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.

2. Маънавий-маърифий ва оммавий тадбирларни ўтказилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Ш.М.Мирзиёев томонидан 2013 йил 27 ноябрда тасдиқлаган 339-сонли баёнида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида, “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2014 йил маънавий-маърифий тадбирлар Режаси” ишлаб чиқилди ва ҳафтанинг ҳар чоршанба куни Миллий кутубхонада “Маънавият” куни деб қабул қилинди.

Ҳисобот даврида Миллий кутубхона жами 246 та маънавий-маърифий тадбирларни ўтказди. Шундан:

Ўзбекистоннинг муҳим ва унутилмас саналарига бағишланган 48 та мавзули ва шахсга оид кўرғазмалар, 31 та “Миллий кутубхонага келиб тушган янги нашрлар” кўрғазмалари;

расмлар ва амалий санъат асарлари кўрғазмаси 11 та;

муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 90 та ижтимоий-маданий тадбирлар ва Миллий кутубхонанинг 2014 йилга мўлжалланган маънавий-маърифий тадбирлар режасига асосан 66 та тадбирлар ташкил қилинди. Жумладан:

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг Қуролли кучлари” мавзуида ўқув-методик семинар;

тележурналист Шахноза Ғаниева билан ижодий учрашув;

кинорежиссёр Жасур Исҳоқов билан ижодий учрашув;

“Китобхонлар байрами” кўрик танловининг республика босқичи тадбирлари;

“Бугунги кун китобхонлари ва китобхонлик масалалари” мавзусида даврасуҳбати;

“Ўзбекистан – наш дом родной” китоби тақдими;

Алишер Навоий таваллуди муносабати билан “10 февраль Навоий куни” деб эълон қилиниб: “Навоий ва замондошимиз” мавзусида адабий-бадиий кеча, “Олис

юлдуз шуъла таратар” мавзусида ғазалхонлик ва театрлаштирилган томошалар,
“Мангуликка муҳрланган тафаккур” мавзусида давра-суҳбати;

“Шох ва шоир” мавзусида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди кунига
бағишланган маънавий-маърифий кеча;

“Халқаро она тили куни” муносабати билан давра-суҳбати ва савол-жавоб
танлови;

«Яна баҳор» мавзусида Иқтидорли ижодкор клубининг мушоира кечаси;

Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан “Она азиз – аёл мўътабар”
адабий-бадий кеча танлови;

“Шарқ поэзиясининг лирикаси” мавзусида давра-суҳбати;

Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган “Наврўзингдан айланайин
диёрим” адабий-бадий кеча;

Ўзбекистон халқ рассоми, академик Алишер Мирзаевнинг “Накшинкор
чизгилар” номли расмлар кўрғазмаси ва ижодий учрашув;

Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов билан ижодий учрашув;

Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов билан ижодий учрашув;

шоира Гулчеҳра Шахобиддин қизининг “Садарайхон ифори” китоби
тақдимоти;

“Китобдан расм ва фотосуратларга қараб интилиш” шиори остида “Эртақлар
– яхшиликка етаклар” мавзусида болалар расмлари танлови;

“Болалигим - пошхолигим” мавзусида Дил изҳорлари танлови;

Халқаро театр куни муносабати билан “Театр – эзгуликка чорловчи тарбия
маскани” мавзусида маънавий-маърифий тадбир;

“Кулгитерапия: тиббиёт ва психологияда қўлланилиш” мавзусида маъруза;

1 апрель хазил ва мутойиба куни муносабати билан Comedy.uz гуруҳи билан
ижодий учрашув;

Халқаро болалар китоби куни муносабати билан "Болалар китоби дунёсига
саёҳат" мавзусида давра-суҳбати;

“Фалсафа ва фан методологияси муаммолари” мавзусида илмий-назарий
семинар;

Абдулла Қодирийнинг 120-йиллиги муносабати билан "Буюк романнавис
адиб" мавзусида учрашув кечаси;

Амир Темур таваллуди кунига бағишлаб "Амир Темур буюк саркарда"
номли давра-суҳбати ва "Соҳибқирон" мавзусида ижодий учрашув;

"Экологик масалаларни ёритишда журналистларни ихтисослаштириш"
мавзусида давра-суҳбати;

шоир Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб "Ўзингдан
кўймасин халқим" мавзусида хотира кечаси;

Ҳамид Гулом таваллудининг 95 йиллигига бағишланган ёзувчи
асарларининг библиографик обзори;

Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков билан ижодий учрашув;

"Хотира абадий - кадр муқаддас" мавзусида хотира кечаси;

"Ўзбекистон ёзув ва китобат маданияти. Қадимият ва ўрта асрлар" мавзусида профессор Эркин Охунжоновнинг илмий маърузаси;

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Т. Қайипбергенов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган ёзувчи асарларининг библиографик обзори;

шоир Боту таваллудининг 105 йиллигига бағишланган ижодий учрашув;

"Ҳуқуқий маданиятли оила - фуқаролик жамиятининг таянчи" мавзусида илмий-амалий конференция;

"Замонавий илм фаннинг ривожланиши ва синтези" мавзусида илмий-амалий конференция;

"Демократик модернизациялаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар ролини оширишнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар;

БМТнинг таракқиёт дастури томонидан «Ижтимоий тадбиркорлик» мавзусида тренинг;

Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаларининг "Сапфир" гуруҳи томонидан «Насри сегоҳ» мавзусида муסיқий кеча;

Ўзбекистон халқ артисти, кинорежиссёр Баҳодир Йўлдошев билан ижодий учрашув;

Иқтидорли ижодкорлар клубининг "А.С.Пушкин ижоди" мавзусидаги йиғилиши;

"Юксак маънавиятли авлод" фестивалининг република босқичи;

Иқтидорли ижодкорлар клубининг "Модерн ва шеърят" мавзусида баҳс ва мунозара кечаси;

"Одам савдосига қарши курашишда давлат ва нодавлат – нотижорат ташкилотларининг ҳамкорликдаги иштироки" мавзусида илмий-амалий конференция;

"Ғолиблар психологияси" мавзусида маъруза;

Шоюсуф Шоакбаровнинг "Карвинг санъати" китоби тақдимоти;

"Яғонасан Мустақил ватан" мавзусида давра суҳбати;

"Мен Ватаним равнақига ҳисса кўшишни хоҳлайман" мавзусида давра суҳбати;

"Мустақил Ватанимизнинг ижодкор ёшлари" мавзусида Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, рассом Аслиддин Калонов билан ижодий учрашув ва расмлар кўргазмаси;

"Ўзбек жанг санъати" китоби тақдимоти;

"Мутолаа саодати" мавзусида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нашриётида чоп этилган китоблар тақдимоти;

"Ўзбекистонда катта ёшлилар таълими: ислоҳотлар ва истиқболлар" мавзусида илмий конференция;

Иқтидорли ижодкорлар клубининг "Ватанимиз келажаги ёшлар кўлида" мавзусида мушоира кечаси;

Устозлар куни муносабати билан "Меҳр нури ёғар доим юзингиздан" мавзусида давра суҳбати;

“Ажойиб италян тили” номли китобга бағишланган концерт ва спектакл намоиши;

Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг 25 йиллигига бағишланган тадбирлар туркуми: "Она тилим - жон тилим" мавзусида талаба ва ўқувчилар иштирокида адабий-бадий кеча; Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати” китоби тақдимоти; "Алишер Навоий" фильми намоиши;

Саидакмал Ходжаевнинг "Ахборотлаштириш. Замоनावий қараш" номли китоби тақдимоти;

таниқли биринчи ўзбек кинорежиссери Наби Ғаниев таваллудининг 110-йиллиги муносабати билан китоб-расмли кўргазма;

"Шарқ аёли" халқаро аёллар жамоат фонди томонидан "Ижтимоий ҳамкорлик" мавзусидаги анжуман;

актёр ва ҳуқуқшунос Отабек Маҳкамов билан "Замоनावий кино муаммолари" мавзусидаги суҳбати;

"Истиклол даври фольклор санъатининг долзарб масалалари " мавзусида илмий-амалий конференция;

"Кичик утопия" номли замоनावий италян архитектураси расмлар кўргазмаси;

Қосимжон Сўфиевнинг "Шопен асарлари Ўзбекистонда" номли китоби тақдимоти;

Муқимий театрининг 75 йиллигига бағишланган кўргазма;

Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" эпопеяси тақдимоти;

"Ҳаётимизнинг асосий қомуси" шиори остида давра-суҳбати;

"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзусида илмий-амалий анжуман;

Файласуф Воҳид Зоҳидов 100 йиллиги муносабати билан адабиётларнинг очик кўргазмаси ва библиографик обзор;

"Янги аср" нашриётида чоп этилган Абдулла Қаҳҳорнинг "Муҳаббат" қиссаси тақдимоти;

Ногиронлар куни муносабати билан "Яхшилик қилмоқлик улуғ фазилат" мавзусида кўргазма;

"Ўзбек миллий костюм анъаналарини ёш авлодни тарбиясидаги ўрни" мавзусида илмий-амалий анжуман ва маҳорат дарслари;

Ўзбекистондаги Корея Республикаси элчихонаси билан ҳамкорликдаги "Кореяга йўл" лойиҳаси доирасида китоблар тақдимоти ва тадбир;

"Йилнинг энг фаол фойдаланувчиси" номинациясида йил яқунларига бағишланган тақдирлаш маросими кабилар.

Миллий кутубхона фаолияти ва унда ташкил қилинаётган тадбирлар Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан мунтазам равишда ёритилиб борилди: “Ўзбекистон”, “Тошкент”, “Ёшлар” телеканаллари кўрсатувлари ва “Тошкент”, “Машғал”, “Ўзбекистон” радиоканалларида республикамизда ахборот-кутубхона фаолиятининг ривожланиш истиқболлари, Миллий кутубхона фаолиятига бағишланган телекўрсатувлар ташкил этилди.

Маънавий-маърифий тадбирларнинг барчаси Миллий кутубхонанинг расмий веб-сайти www.natlib.uz ҳамда электрон оммавий ахборот-воситаларида ёритилиб борилди ҳамда 2014 йилнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил қилинган Интернет фестивалида энг яхши сайт ва Ўзинфоком маркази томонидан ўтказилган танловнинг Маданият соҳасида қўшган улуши эътиборга олиниб, тақдирланди.

3. Миллий кутубхонада ихтисослашган илмий ва оммавий анжуманларни ўтказилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 декабрдаги 868-ф-сонли фармойишининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ўтказиладиган халқаро илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси”нинг 3-бандига асосан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан “Central Asia. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва кутубхона-ахборот ресурслари ўрни” мавзусида 8-халқаро конференцияси 22-26 апрель кунлари Қарши шаҳрида ўтказилди.

Конференция мобайнида 6 та хорижий давлат (Озарбайжон, Қозоғистон, Россия, Украина, Германия, АҚШ) ҳамда маҳаллий мутахассислар сони 300 дан зиёдни ташкил этди. Конференция мобайнида – ялпи мажлис ва 4 та секция, 2 та давра-сухбати, 1 та семинар-тренингда 86 та маъруза ҳамда тақдимотлар тингланди. Конференция натижаларига кўра якуний ҳужжат тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасига маълумот учун киритилди.

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг 2013 йил 27 декабрдаги (06.01.2014 й. 01-08/1-189) 20-сон баёни 4-илоvasининг 14-банди ижросини таъминлаш мақсадида “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” касбий танлови 2014 йил 10-12 июнь кунлари ташкил қилинди. III-босқичда (туман, вилоятлар ва республика) ўтказилган ушбу танловнинг якуний республика босқичида жамоалар беллашди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоаларида жами 68 та - Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълим маркази, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари иштирок этди. “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” касбий танлови ғолиби Наманган вилояти жамоаси, иккинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси, учинчи ўрин Фарғона вилояти жамоаси деб топилди.

Кутубхона томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги “INFOLIB-2014” октябрь ойининг охиригидан ҳафтасида ташкил қилинди. Унда жами - 26 814 киши қатнашди, ҳафталик давомида кутубхона рўйхатидан - 563 киши ўтди, кутубхона имкониятлари билан

таништирув экскурсиялари - 60 та 1009 кишига ўтказилди, 65 дан зиёд турли тадбирлар ташкил қилинди.

Ҳафталик доирасида республика ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари учун “Замонавий ахборот-кутубхона муҳитида рақамли макон ва медиа контент” ҳамда “Ахборот-кутубхона соҳаси мутахассисларининг ахборот маданияти ва медиасаводхонлиги” мавзуларида давра суҳбатлари ташкил қилинди. Давра суҳбати ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг фаолиятида ахборот муҳитини шакллантириш, мустаҳкамлаш ва ягоналикни таъминлашда рақамли макон ва замонавий медиа контентни ривожлантириш ҳамда билимларни оммалаштириш ва ахборот ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш каби масалаларни ёритди.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган ишлар

Миллий кутубхона томонидан “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс марказининг ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ташкилий-услубий мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорликни таъминлаш бўйича Низом” ҳамда “Ахборот-кутубхона ресурсларини шу жумладан, ахборот-кутубхона муассасаларининг электрон ҳисобининг ягона тизими Йўриқнома”си лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди. Республика методик кенгашида маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, (Низом 10.03.2014й. 2568-сон, Йўриқнома 10.03.2014й. 2567-сон) рўйхатга олинди. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 20.02.2014 й. 75-МХ, 76-МХ-сон қарори билан тасдиқланди. O`z DSt 2803:2013 UZMARC Миллий коммуникатив формат (стандарт)ни 2014 йил 13 январдан жорий қилиш ишлари бошланди.

5. Миллий кутубхонада интерактив давлат хизматларининг жорий этилиши

Миллий кутубхонанинг расмий веб-сайти орқали интерактив давлат хизматлари орқали фойдаланувчиларга сифатли ва кенг миқёсда хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилмоқда. Унда:

давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилмаси, таркиби, функциялари ва асосий фаолияти, уларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиш (<http://www.natlib.uz/uz/articles/16/>); фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш (<http://www.natlib.uz/uz/contacts>);

илм-фан, таълим, ахборот ва маданият соҳаси бўйича қизиқишларни тезкорлик билан қондиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир ахборотларни, Ўзбекистон Республикасининг ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари,

шунингдек ихтисослаштирилган кутубхоналар рўйхатини тақдим этиш (<http://www.natlib.uz:5555/Home/Search>);

электрон каталогдан, миллий ва хорижий электрон ресурслардан фойдаланишга рухсат бериш, адабиётларга буюртма бериш (<http://www.natlib.uz:5555/>) каби хизматлар тақдим этилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги “Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” ги 27-сон қарорига асосан Миллий кутубхонага миллий ва хорижий ахборот ресурслари маълумотлар базасини шакллантириш вазифаси юклатилган бўлиб, www.reestr.uz тизимида 24.06.2013 йил P00259 – рақами билан тасдиқланган.

Ҳисобот даврида Миллий кутубхонанинг қуйидаги 7 та техник лойиҳа бўйича олиб борилаётган ишлар якунланди:

“ISBN, ISSN ва УЎК, КБК” рақамларини бериш” интерактив онлайн;

“Нодир нашр ва қўлёзмалар маълумот базасини яратиш, сақлаш ва аниқ тақдим қилиш жараёнини автоматлаштириш”;

“Миллий кутубхонанинг ягона базаси асосида китоб ва журналларнинг статистик ҳисоботини автоматлаштириш”;

“Диссертация ва илмий ишларнинг ягона базаси”;

“Имидж каталог”;

“Шахсий кабинет”.

“Йиғма электрон каталог” - онлайн дастури.

6. Миллий кутубхонада техник лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисида

Миллий кутубхона томонидан **“Ахборот-кутубхона фондларини консервация ва реставрация қилиш хизматлари ишларини ташкил этиш учун махсус ускуналар билан жиҳозлаш”** лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий ҳисобланиши (ДТИХ) Вазирлар Маҳкамасига ўрнатилган тартибда киритилди ва жорий йилнинг 22 сентябрь куни тасдиқланди. Миллий кутубхона қошида ўрнатилган тартибда Тендер комиссияси ташкил қилинди ва 2014 йил 18 декабрда очиқ тендер танлови эълон қилинди.

“Миллий умумтаълим электрон кутубхона”си лойиҳаси доирасида - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 декабрдаги “Корея Республикасининг иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик Фондининг молиявий кўмагида ”Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини биринчи навбатда амалга ошириш бўйича чоралар тўғрисида”ги ПҚ-2088-сон қарорига асосан, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Миллий кутубхонаси биргаликда лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисобланиши (ТИХ) Вазирлар Маҳкамасига ўрнатилган тартибда киритилди ва тасдиқланди. Жорий йилнинг 17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва

Корея Республикасининг Экспорт-импорт банки ўртасида “Миллий умумтаълим электрон кутубхона”си лойиҳаси бўйича Кредит битими имзоланди. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси сўрови асосида Корея Республикасининг Экспорт-импорт банки томонидан танлов (тендер) ҳужжатларни тайёрловчи консультант компания тавсия этилиши кутилмоқда. “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил Инвестицион дастури тўғрисида”ги ПҚ-2264-сон қарорига қиритилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида Миллий кутубхонада жорий йилнинг 22 декабрь куни Корея Миллий кутубхонаси ва Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ёрдамида “Кореяга нигоҳ” ўқув хонаси ташкил қилинди ва унда 3 мингдан зиёд китоблар, техник жиҳозлар ҳамда зарур анжомлар билан таъминланди.

7. Миллий кутубхона ҳузуридаги Республика методик кенгашининг фаолияти

Ўтган давр мобайнида Миллий кутубхона ҳузуридаги Республика методик кенгашининг 6 маротаба йиғилиш ўтказилиб, унда Республика методик кенгашининг 2013 йил фаолияти яқунлари, “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2014 йил учун маънавий-маърифий ишлар бўйича тадбирлар режаси”, “Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс марказининг ахборот-кутубхона технологияларини вилоят даражасидаги ахборот-кутубхона муассаларига жорий этиш, уларни оммалаштириш ва ҳақиқий билим ва маърифат марказига айлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси”, “Намунавий ҳудудий ахборот-кутубхона муассасасида замонавий технологияларни жорий қилиш, техникавий базани такомиллаштириш, янги дастурий таъминотни ўрнатиш ва мутахассисларни ўқитиш бўйича ҳамда мазкур ҳудудда замонавий ахборот-кутубхона технологияларни бошқа ахборот-кутубхона муассасаларида жорий этиш бўйича намунавий Дастур”, маҳалла кутубхоналарини фаолиятини ташкил қилиш, хорижий кутубхоналар тажрибасини ўрганиш бўйича хизмат сафарларини ташкил қилиш масалалари, Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш Жамғармасининг 2014 йилдаги устувор лойиҳалари асослари, Халқ таълими вазирлиги тизимида ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги ахборот-ресурс марказларида Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуни талабларини бажарилиши, Ахборот-ресурс марказларининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича дастурларни амалга оширилиши ҳолати, «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти бўйича ахборот кутубхона ва архив муассасаларига маълумотларни тақдим этиш тўғрисида»ги Низом, «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ахборот кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома лойиҳалари, “Ахборот-кутубхона ресурсларини ахборот-кутубхона муассасалари фондидан чиқариш тартиби

тўғрисида”ги, “Ахборот-кутубхона фондларини сақлаш тўғрисида”ги Йўриқномалар муҳокамадан ўтказилди.

Шунингдек, Кенгашда Идоралараро ҳудудий кенгашлар таркибини қайта тузишга методик ёрдам кўрсатишга Республика методик кенгаши аъзоларини жалб қилиш, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2014 йил иш режаси, UZMARC Миллий коммуникатив формат (стандарт)ни жорий қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 декабрдаги 868-Ф-сон фармойиши асосида “Central Asia. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари ўрни” мавзусидаги 8-Халқаро конференциясини ўтказилгани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 мартдаги “Тошкент шаҳрида Инха Университетини ташкил қилиш тўғрисида”ги 2155-сон қарорини бажарилиши ҳамда Фанлар академиясининг Фундаментал кутубхонасини ривожлантириш концепцияси, “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” касбий танловини ўтказиш, шунингдек, Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш мажлисининг 2013 йил 27 декабрдаги 20-сон баёни ижроси ҳамда “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс марказининг ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ташкилий-услубий мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорликни таъминлаш бўйича Низом”, “Ахборот-кутубхона ресурсларини шу жумладан, ахборот-кутубхона муассасаларининг электрон ҳисобининг ягона тизими Йўриқнома” сини жорий қилиш, Халқаро универсал ўнлик тасниф (УДК) жадвалининг миллий вариантини яратиш, “Ахборотлаштириш, кутубхоначилик ва нашриёт иши бўйича стандартлар тизими”нинг янги Давлат стандартларини 2015 йилда ишлаб чиқиш, “INFOLIB-2014” Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигини ўтказиш ва унга тайёргарлик кўриш масалалари ва бошқ. муҳокама этилди.

8. Халқаро алоқаларнинг ривожланиши ва ҳолати

Ҳисобот даврида Миллий кутубхона Польша Миллий кутубхонаси, Қозоғистон Республикаси Миллий академик кутубхонаси, Қирғизистон Республикаси Миллий кутубхонаси, Миср Араб Республикасининг Александрия кутубхонаси, Озарбайжон Миллий кутубхонаси, Миср Араб Республикасининг Миллий кутубхона ва архивининг бош бошқармаси, Латвия Миллий кутубхонаси, Туркменистон миллий маданият марказининг Миллий кутубхонаси, В.И.Вернадский номидаги Украина Миллий кутубхонаси, Шанхай кутубхонаси, Ўзбекистондаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури билан имзоланган ҳамкорлик шартномалари асосида халқаро алоқаларни олиб борди.

Шу билан биргаликда ҳозирда Миллий кутубхона Британия кутубхонаси, Россия Миллий кутубхонаси, Украина Миллий парламент кутубхонаси, Россия Б.Н.Ельцин номидаги Президент кутубхонаси, Беларусь Миллий кутубхонаси, Туркия Миллий кутубхонаси, Исроил Миллий кутубхонаси, Литва Миллий кутубхонаси, Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси, Ўзбекистондаги Бирлашган

Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Бангладеш Миллий кутубхонаси билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари ишлаб чиқилди.

Миллий кутубхона Корея Республикаси Кёнхи университети Марказий кутубхонаси ҳамда Россия Фанлар Академиясининг Сибирь бўлинмасининг Давлат илмий-техникавий кутубхонаси билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзолади ва халқаро алоқаларни кенгайтириш бўйича ишлар олиб борди.

Ҳисобот даврида Миллий кутубхона халқаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида, халқаро ташкилотлар (ЮНИСЕФ, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Тошкентдаги Гёте институти, Ўзбекистондаги хорижий элчихоналари) иштирокида жами 43 та тадбир, 32 та хорижий делегацияларни ташрифини ўтказди.

9. «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича

Миллий кутубхона директорининг 2014 йил 5 мартдаги 35-сон буйруғи билан “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Соғлом бола йили” Давлат дастурини бажарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди. Давлат дастурининг 82-банди бўйича қуйдаги ишлар амалга оширилди:

Миллий кутубхонанинг “Тафаккур” ўқув залида “Соғлом бола йили” муносабати билан “Соғлом бола – юрт келажак” мавзусида адабиётларнинг очик кўرғазмаси ташкил қилинди;

“Соғлом бола, соғлом она – соғлом келажак” методик-библиографик қўлланмасининг электрон нусхаси тайёрланди;

Тошкентдаги Гёте институти билан ҳамкорликда “Китобдан расм ва фотосуратларга қараб интилиш” шиори остида “Эртақлар – яхшиликка етаклар” мавзуида болалар расмлари танлови ўтказилди. Болалар томонидан мутолаа қилинган эртақларга чизилган расмлар ва фотосуратлар танлови ўтказилди. Танлов ғолиблари тақдирланди;

2014 йилнинг 22-26 апрель кунлари Қарши шаҳрида ўтказиладиган “Central Asia – 2014” VIII Халқаро конференцияси доирасида 23 апрель куни “Ахборот-кутубхона муассасаларида болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилишнинг янги йўналишлари” мавзуида ташкил қилинган давра-суҳбатида 10 та маъруза тингланди. Маърузалар маҳаллий мутахассислар ва Москва вилояти давлат болалар кутубхонаси (Россия), Караганда вилояти ўсмирлар кутубхонаси (Қозғистон) мутахассислари томонидан қилинди;

30 май куни Миллий кутубхонада 1-июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Беғубор болалик” шиори остида тадбирлар туркуми: “Танидингми, бу ким?” мавзусида фотосуратлар кўрғазмаси, “Олам болалар нигоҳида” мавзусида расмлар кўрғазмаси, кутубхона фойдаланувчилари ташаббуси билан “Севимли ўйинчоғингни совға қил” Акцияси, “Сокол” ўқув маркази томонидан болалар учун тренинглари ва Санъат ва маданият институти, Республика байналмилал маркази ҳамкорлигида мусиқий кеча ташкил қилинди;

Миллий кутубхона “Шарқ аёли” халқаро аёллар жамоат жамғармаси билан ҳамкорликда педагогларни таълим жараёнларида янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни жорий қилишда ижодий ташаббусларини ва ижодкор ёшларни қўллаб қувватлаш мақсадида “Баркамол авлод – юртимиз фаҳри” лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳридаги 64-мактабда фаолият юритаётган Кичик мактаб Академияси ўқувчиларини илмий ишлари ҳимоясини (“Сув – ҳаёт манбаи”, “Жаҳонни ёритган ёғду”, “Қуёш”, “Мисрдаги ўзбек сулолалар”, “Сирли ва ажиб Моцарт” мавзуларида) ўтказди;

Миллий кутубхона, “Оила” илмий-амалий маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди билан биргаликда 14 май куни “Ҳуқуқий маданиятли оила – фуқаролик жамиятининг таянчи” мавзусида Республика илмий-амалий конференциясини ташкил қилди;

Миллий кутубхона, “Қатагон қурбонлари” музейи ходимлари ва адабиётшунос олим Азиз Қаюмовлар иштирокида “Қатагон қурбонлари хотираси” мавзусида давра-сухбатини ташкил қилди;

Ўзбекистон халқ демократик партияси “Истиқбол” ёшлар қаноти ва Миллий кутубхона ҳамкорлигида “Мен Ватаним равнақига ҳисса қўшишни хоҳлайман” мавзусида “Ёш сиёсатчи - 2014” кўрик танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди;

Миллий кутубхона 2-5 сентябрь кунлари “Очик эшиклар куни” ҳафталигини ташкил қилди. Ҳафталик доирасида қизикарли тақдиротлар, кургазмалар ва давра-сухбатлари ўтказилди;

Миллий кутубхона “Ёшлар куйлаганда” мавзусида учрашув ташкил этди. Учрашувда кўшиқчи шоирлар Б. Бобомурод, Аҳад Қаюм ҳамда ёш эстрада хонандалари иштирок этдилар;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, иқтидорли ёшлар клубининг “Ватанимиз келажаги ёшлар қўлида” мавзусида мушоира кечасини ташкил этди;

Ўзбекистондаги Британия кенгаши ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Speaking English at home” номли болажонлар ва уларнинг ота-оналари билан инглиз тилида ўқув машғулоти ўтказилди;

“Маънавий баркамол авлод тарбияси” мавзусида давра-сухбати ва А.Тулуповнинг “Ислом ва ақидапараст оқимлар” китоби тақдироти бўлиб ўтди;

“Кузги чизгилар” мавзусида ёш қаламкашларнинг кўрғазмаси;

“Юрт тараққиётида ёш тадбиркорларнинг ўрни” мавзусида ёш тадбиркорлар йиғилиши ташкил этилди;

“Соғлом авлодни шакллантиришда экологик қонунчиликнинг ўрни ва роли” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди;

“Биз келажакка ишонамиз!” республика Ёшлар форуми тарбияси оғир болалар ўртасида 8та номинацияда: педагогика, психология, маданият ва санъат, жиноятчиликни олдини олиш, нотиклик ва мулоқот маданияти, экология, тамаки, ичкилик ва касалликларга қарши кураш, рассомчилик йўналишларида ташкил қилинди;

“Ёш авлод тарбиясида ўзбек миллий костюм анъаналарининг ўрни” мавзусида илмий-амалий анжуман ҳамда ёш моделерлар учун маҳорат дарслари ташкил қилинди;

“Конституция ва баркамол авлод” мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида сақланиб келинаётган “Жомий аҳкам ас-сиғар” асарининг нашри XIII асрда яшаб, ижод этган аждодимиз Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Уструшонийнинг бола ҳуқуқи масалаларига ҳамда ушбу китоб мусулмон дунёсида бола ҳуқуқларига бағишланган илк жамлангани моҳияти ҳамда ундаги маълумотларни долзарблигини инобатга олиб, “Соғлом бола масаласи аждодларимиз меросида” мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди.

БМТнинг тараққиёт дастури билан ҳамкорликда 4 ой давомида имконияти чекланган (кар ва соқов) фойдаланувчилар билан кутубхона мутахассислари мулоқот қилишни йўлга қўйиши мақсадида “Имо-ишоралар тили” (язык жестов) бўйича ўқув курслари ташкил қилинди ва 8 мутахассис сертификатларга эга бўлди.

Ҳисобот даврида Миллий кутубхона фаолияти билан танишиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 31 та мактабдан 857 ўқувчи, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази тасарруфидаги 14 та академик лицейдан 1033 ўқувчи, 25 та касб-хунар коллежидан 608 ўқувчи, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар “Камалак” фаолларидан 100 ўқувчи, “Истиклол фарзандлари” Ёшлар фестивали иштирокчиларидан 300 талаба-ўқувчилар, Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатидан 81 ёшлар ташриф буюрди. Жами 2979 ўқувчи экскурсияда қатнашди.

Кутубхона ходимларини соғлиқларини тиклаш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйдаги ишлар амалга оширилди:

3 мутахассис “Умид гулшани”, “Косонсой”, “Бўстон” санаторияларига йўлланмалар билан таъминландилар;

2 мутахассиснинг фарзандлари учун “Алоқачи” болалар дам олиш масканига йўлланмалар берилди;

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси тасарруфидаги “Электромагнит мослашув маркази дам олиш маскани”га 132 ходим юборилди;

“Мирзо Улуғбек” номидаги истироҳат боғига 85 та чипта;

41 ходимнинг фарзандларига мактаб учун ўқув-қуроллари;

“Зарафшон” кинотеатрига 30 та чипта;

Янги йил байрами томошалари учун Ўзбек давлат циркга 120 та чипта ва “Истиклол” санъат саройига 40 та чипта;

Миллий кутубхона мутахассислари фарзандлари учун 94 та совғалар берилди;

Йил давомида кутубхона мутахассислари учун 117 428 042 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Миллий кутубхонада аҳолига ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланишлари учун қулай шароитлар яратиш, мутахассисларни касбий

малакасини ошириш, ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда “Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш ишларини оммавий ахборот воситаларида тарғибот қилиш тадбирларини режавий амалга ошириш ишлари давом эттирилди.

10. Миллий кутубхона мутахассислари малакасини ошириш ҳамда ташқи мутахассисларни кутубхонада амалиёт орқали малакаларини ошириш масалалари

Ҳисобот даврида Миллий кутубхонанинг 15 нафар мутахассислари чет эл мамлакатларида (Исроил, Германия, Корея Республикаси, Қозоғистон, Беларусь, Франция, Россия, Қирғизистон) малака оширишда ва тажриба алмашиш бўйича хизмат сафарларида бўлиб қайтдилар.

11. Миллий кутубхона томонидан республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ўрганиш ва методик ёрдам кўрсатиш

Ҳисобот даврида Миллий кутубхона раҳбар ва мутахассислари томонидан мамлакатдаги ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини замон талабига мос равишда юритиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишни тўғри ташкил қилиш, фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатишнинг янги шакллари жорий этиш, фондларни жамлаш ва электрон ресурслар базасини шакллантириш ва тўлдириш, методик жиҳатдан ёрдам бериш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида Болалар кутубхонасини лойиҳалаш, жиҳозлаш ва ахборот-кутубхона технологияларини жорий қилиш бўйича тавсиялар берилди ҳамда татбиқ этилиши бўйича ишлар олиб борилди;

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Фарғона ва Сурхондарёдаги бўлимларига қарашли “Ёшлар маркази”да ташкил қилинган кутубхоналарни лойиҳалаш, жиҳозлаш ва ахборот-ресурслари билан тўлдириш, электрон кутубхона ташкил қилишда тавсиялар берилди;

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани Транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ахборот-ресурс марказига фондларини тўлдириш, моддий техник базасини янада ривожлантириш, марказ мутахассислари малакасини ошириш ва методик ёрдам бериш мақсадида ахборот-ресурс маркази фаолияти ўрганилди, Миллий кутубхона фаолияти ва унда яратилган имкониятлар билан яқиндан таништирилди, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари кутубхона рўйхатидан ўтдилар ҳамда кутубхона ресурсларидан масофадан фойдаланиш бўйича семинарлар ташкил қилинди.

Термиз давлат университети ахборот-ресурс маркази янги бинода фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни бошлаши муносабати билан Миллий кутубхона томонидан марказ ишини ўрнатилган тартибда ташкил қилиш, фондларни жойлаштириш, ахборот-кутубхона хизматини янги шакллари жорий қилиш ҳамда электрон ресурслар фондини шакллантириш мақсадида жойида ўрганиш ишлари кутубхона раҳбарияти ва мутахассислари томонидан олиб борилди.

Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар ҳамда Миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш хизматлари томонидан ҳисобот даврида республиканинг барча вилоятларида мутахассисликка доир семинар-тренинглар, методик ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги 55162 ва 61387 ҳарбий қисмлари, Тошкент давлат ислом университети, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри ва бошқа ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик шартномалари асосида йил мобайнида ишлар олиб борилди.